

## "Ўзйўлмашсервис" илмий-ишлаб чиқариш тажриба унитар корхонаси

---

Султонов Ориф Махмудович  
Қабул кунлари: Пайшанба-Жума соат 14:00-16:00

Тошкент шаҳар 100170 Катта Дархон 15-А уй

(0 371) 237-48-10

(0 371) 237-48-15

[uzyulmashservis@uzavtoyul.uz](mailto:uzyulmashservis@uzavtoyul.uz)

---

"Ўзйўлмашсервис" илмий-ишлаб чиқариш тажриба унитар корхонасининг функционал вазифалари

---

- бино, иншоатлар, кўприklar, электр тармоқлари ва бошқа қурилиш иншоатлари учун металл конструкциялар ва бошқа саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- йўл қурилиш техникаларини, машина ва механизмларни таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш;
- маҳсулотлар ишлаб чиқаришга янги, замонавий технологияларни қўллаш орқали рақобатбардош, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва етказиб бериш, юқори даражада хизматлар кўрсатиш;
- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни ўзаро тузилган шартномалар асосида мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона, ташкилотларга ва фуқароларга реализация қилиш;
- ишлаб чиқаришга илғор тажриба, янги техника, технология ва самарали йўл-қурилиш материаллари, меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги илғор тажрибаларни тадбиқ этиш;
- ишлаб чиқаришни техникавий ва ашёвий таъминоти, аниқ иш бажарувчини танлаш, иш ҳақи тўлашни ўрнатилган тартиб ва усулларни қўллаш, ишчи хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш ва ўзини-ўзи бошқариш масалаларини мустақил ҳал қилиш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларини бажариш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;
- корхона ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш, меҳнат жамоаларининг ижтимоий ҳаётини яхшилаш учун шароитлар яратиш;
- автотранспорт ва механизм хизматларини кўрсатиш;
- улгуржи савдо;
- чакана савдо;
- турли соҳаларда ҳақ эвазига хизматлар кўрсатиш;
- фойда олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги доирасида бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш.

[Nizomni yuklab olish \(pdf, 252 kb\)](#)